

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (10.901)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қўша мажлиси бўлди. Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ўтган мажлисда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини мазкур вилоят мисолида ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

●Сурхондарё вилояти пиллакорлари давлат қабул пунктларига қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилган бошлаб юборишди. Жорий йилда воҳа пиллакорлари 1 минг 180 тонна «кумуш тола» топшириш ҳаракатида астойдил меҳнат қилмоқда.

●Мамлакатимизда «Билайн» савдо белгиси остида уяли алоқа хизмати кўрсатаётган «Вимпел Ком» ОАЖ Урганчда ўзининг савдо ва хизмат кўрсатиш офисини очди. Тадбир куни компания томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Тез ёрдам» машинаси совға қилинди.

●«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг Хоразм вилоят филиали ташкил топганининг 1 йиллиги банк ходимлари томонидан ўзига хос тарзда нишонланди: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қиз мижозлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

●Қарши туманидаги 25-мактаб Япония ҳукуматининг мамлакатимиз мактаблари учун мўлжалланган «Кичик ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури» лойиҳаси грантини қўлга киритдилар.

●Фарғона водийсини пойтахт билан боғловчи олтин камар —Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг Наманган вилояти ҳудудидаги яна бир қисми жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Куни кеча мазкур йўл участкасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

●Гулистон шаҳар Маънавият тарғибот марказида Сирдарё вилояти расмлар галереяси ҳамда «Истикболли авлод» ёшлар ахборот ва маърифат маркази томонидан «Япония маданияти кунлари» ташкил этилди. Унда Япония маданиятига доир кўргазмалар намойиш этилиб, иккинчи жаҳон урушида Хиросима ва Нагасаки фожиасига оид ҳужжатли фильм кўрсатилди.

●Пойтахтдаги «Грант Орзу» меҳмонхонасида жаҳон банки ҳамда иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан «Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишлари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

●Пойтахтдаги «Жар» спорт мажмуасида карате бўйича Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан жами минг нафарга яқин спортчи бешлашган ушбу мусобақада умумжамоа ҳисобида юртимиз терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

ЖАҲОНДА

●Тайвань президенти Чень Шуйбянь мамлакат ҳукумати раҳбарлигига Чан Чунь-Сюнни тайинлади. Янги бош вазир шунингдек, Хитой билан иқтисодий алоқалар олиб боришга масъул бўлган жамғармага ҳам бошчилик қилди.

●Косово ўлкасига мустақиллик берилишини назарда тутувчи резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилди. У Косовога мустақиллик бериш бўйича Марти Ахтисаари режаси асосида ишлаб чиқилган.

●Владивостокда 200 дан ортқ хайдовчи йўллар ҳолати ўта ёмонлиги боис, унинг таъмирлигини талаб қилиб намойиш ўтказди. Намойиш иштирокчилари шаҳар маъмурияти ва Владивосток думаси депутатларига талабнома билан мурожаат этиш учун имзо йигдилар.

●Руминияда кутилмаганда куннинг исиб кетиши уч кишининг ўлимига сабаб бўлди. Айни пайтда мамлакатда об-ҳаво одатдагидан 10-12 даража юқори бўлмоқда. Маҳаллий синоптикларнинг билдиришларича, жазирама ҳозирча сақланиб туради.


●Канаданин «Thomson» наشريёт уйи «Рейтер» ахборот агентлигини харид қилишга розилик билдирди. Шартнома қиймати 17,23 миллиард долларга баҳоланаяпти. Эндиликда икки ташкилот қўшилиб, «Thomson -Reuters» деб аталадиган бўлди.

●Европа Иттифоқи расмий вакили Россия билан янги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома юзасидан музокаралар бошлашга томонлар ҳали тайёр эмаслигини маълум қилди. ЕИнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий комиссари Хавьер Солананин таъкидлашча, шу йилнинг 17-18 май кунлари Самарада бўлиб ўтадиган Россия —ЕИ саммитида мазкур шартномани муҳокама қилиш режалаштирилган.

●Америка ҳарбийлари интернетдаги бир қатор сайтлардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Хусусан, улар интернетга видео ёзув ва суратлар жойлаштириш ҳамда хат ёзиши мумкин эмас. Пентагон вакилининг айтишча, ушбу қарор компьютер тармоқларидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишча, 17 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 15-17, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги бичиш-тиқиш мактаби катнашчилари томонидан тайёрлаб намойиш этилган ижодий ишлар кўргазмаси яқунланди.

●**ИЖТИМОЙ** Ҳимоя йили муносабати билан Ўзбекистон телерадиоканали хомийлигида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида уюштирилган «Дилбандим» мавзусидаги хайрия акцияси қизғин давом этмоқда.

●**ТУРКИСТОН** саройида Халқаро оила кунига бағишлаб ўтказилган тадбир Фидокорлар миллий демократик партияси ташаббуси билан уюштирилди.

●**РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан шаҳримизда ўқитувчиларнинг малакасини оширишнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган семинарда ўрта мактабларнинг ўқитувчилари иштирок этишди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Санъатшунослик институтида **КЕЧА** мамлакатимиз маданий ёдгорликларининг аҳамиятига бағишлаб уюштирилган анжуманда бу борада илмий излашлар қилиб илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган олим Ртвеладзе фаолияти ҳақида ҳам сўз борди.

●**КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги 181-мактабда юқори синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш масаласига бағишлаб ўтказилган анжуманда Шайхонтоҳур туманидаги ўрта махсус касб-хунара таълими муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилари иштирок этишди.

●**ИЖТИМОЙ** Ҳимоя йилига тўхфа сифатида «Меҳр нури» хайрия жамғармаси хомийлигида қайта таъмирланган Тошкент шаҳар 1-сил касалликлари шифонаси биноси фойдаланишга топширилди.

●**АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Электротехниканинг назарий асослари» фани бўйича талабалар иштирокида фан олимпиадаси уюштирилди.

●**ҒАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишлаб уюштирилган тадбирда мусика ва кўчмақшилик санъати илҳомланди, мутахассислар, санъаткорнинг оила аъзолари, шогирдлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Кўргазмалар ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ УЧУН ПОЙДЕВОР

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу анжуманининг ташкилотчилари ITE Uzbekistan кўргазмалар компанияси ҳамда унинг шериклари саналган I.T.E Exhibitions & Conferences Ltd (Буюк Британия), ITE Moscow, GIMA (Германия) ITECA (Қозғистон) компаниялари бўлиб, ҳозирги кунда OGU кўргазмаси Ҳамдўстлик давлатларида ўтказилаётган нефть ва газ саноати анжуманлари орасида алоҳида ўрин тутди. Кўргазмани ташкил этишда Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, республика Савдо-саноат палатаси расмий кўмагидан фойдаланилди.

Ушбу халқаро кўргазма нефть ва газни экспорт қилувчи асосий мамлакатларда I.T.E Exhibitions & Conferences Ltd компанияси томонидан ўтказилган иختисослаштирилган кўргазмалар туркумига кириб, ўтган йилда унда 16 мамлакатнинг 120 дан зиёд компаниялари ўз экспозицияларини намойиш этган. Айни кунда ўтаётган кўргазмада давлатлар ва компаниялар доираси ҳам кенгайганлигини айтиш лозим. Бу йилги кўргазмада дунёнинг 18 та давлатидан 140 дан зиёд компаниялар иштирок этмоқда. Австрия, Германия, Нидерландия, Франция, Польша, Чехия, Туркия, Эрон БАР, Хитой, АҚШ, Малайзия, Индонезия, Озарбойжон, Россия, Украина, Қозғистон ва юртимиздан қатнашаётган йирик компанияларнинг намойишлари, албатта ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Ўзбекистон нефть ва газ» 11-Халқаро кўргазмаси ўтган йилдаги

нисбатан 20 фоизга кенгайганлигини таъкидлаган ҳолда, унинг аҳамиятини ҳам айтиш керак. Ушбу кўргазма ташкил топганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз нефть ва газ саноатида энг катта воқеага айланди. Шунингдек, у ёқилғи-энергетика комплекси раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар билан Ҳамдўстлик, Европа ҳамда Осиё давлатларининг савдо-саноат доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятини яратди. Кўргазма иштирокчиларининг таъкидлашларича, ушбу муҳим тадбир амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва нефть-газ ускуналари ишлаб чиқаришда етакчилик қилаётган компаниялар билан нефть ҳамда газ қазиб олувчи корхоналар раҳбарлари ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар тузиш учун кулай имкониятларни яратмоқда.

Бу йилги OGU 2007 11-халқаро кўргазмаси мутахассисларга республикамиз ва чет эл компанияларининг нефть ва газ қазиб олиш, углеводородларни ташвиш ва қайта ишлаш соҳасидаги охириги ютуқларидан бохабар бўлиш имконини бериш баробарида тармоқда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашди. Намойиш стендларида нефть ва газни қазиб олиш ҳамда унга чуқур қайта ишлов бериш ишларини жадаллаштириш йўналишидаги замонавий технологияларга ҳам катта ўрин ажратилган. Кўргазма залларини айланар экансиз, жаҳоннинг машҳур нефть ва газ компаниялари нефть ва газни ташвиш, нефть-газ конларини қидириш ва қазиб технологиялари, шунингдек Марказий Осиё минтақасидаги геодинамика ва углеводород потенциали

бўйича ишланмалар борасида эришилган муваффақиятларига гувоҳ бўласиз.

Кўргазмада «Ўзбекнефтьгаз» МХК, Zeromax, «Лукойл» ОАЖ, Sercel, Уралмаш ЕАЖ сингари домий иштирокчилар қаторида бу йил биринчи мартаба қатнашаётган 40 дан зиёд компаниялар мавжуд бўлиб, Юбифрас, Шнэйдер Электрик, Туркуаз Машинери, Актюбинск нефть ускуналари заводи, SANAR ва бошқаларни айтиш мумкин.

Шунингдек, уч кун давом этадиган кўргазма доирасида «Ўзбекистон нефть ва газ саноати: ривожланиш таъминоти» ва ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтади.

БУГУН

бошланган конференцияда иштирок этадиган 400 нафардан зиёд делегатлар углеводород конларига ишлов бериши тақомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек мамлакатимиз ҳудудидаги янги нефть ва газ конларини қидириш топиш ҳамда ўзлаштириш борасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашадилар. Ушбу халқаро кўргазма юртимизда ҳам тармоқ ривожига муҳим ҳисса қўшиб, ҳамкорлар билан амалий алоқалар ўрнатиш, иштирокчилар ўртасида нефть-газ соҳасида ўзаро манфаатли шартномалар тузишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўргазма намойишидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Европа иттифоқи кенгаши томонидан 2007 йил 14 май куни Ўзбекистон бўйича қабул қилинган ҳулоса муносабати билан Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазирлиги қуйидагича баёнот беради.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан Европа Иттифоқи Кенгашининг 2005 йил 23 май ҳамда 2005 йил 3 октябрдаги ҳулосалари аввалбошдан-ноқ, бундай ҳолларда амал қилиниши лозим бўлган таомилга зид равишда, воқеаларни ўз жойида ўрганмасдан ва малакали экспертлар гуруҳи ёки ЕИ дипломатларининг баҳосини ўрганимай туриб қабул қилинган эди.

Мазкур ҳулосаларнинг қабул қилинишига биринчи гада айрим ҳуқуқни Ҳимоя қилувчи ва ноҳуқумат ташкилотларнинг кейинчалик ўз тасдиғини топмаган маълумотлари асос бўлган. Шунингдек, ноҳоллис, «йўлчи» оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистонга, унинг ҳукуматига қарши авж олдирилган ахборот ҳуружи — кампа-

нияси ҳам бунда муайян роль ўйнаган.

2006 йилнинг декабрида Финляндия вакили П.Ойнонен раҳбарлигидаги Буюк Британия, Германия, Франция ва Швеция мутахассисларидан иборат ЕИ экспертлари делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. 2007 йилнинг апрелида эса ушбу делегация ГФР вакили Р.Шульце раҳбарлигида иккинчи марта мамлакатимизга келди. Улар томонидан тергов материаллари ва Ўзбекистон Олий суди қонунчилигининг халқаро ва миллий нормаларига тўла риоя қилган ҳолда ўтказган суд жараёнининг ўрганилиши натижасида 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеаларнинг мутлақо бошқача манзараси намойён бўлди.

Инкор этиб бўлмас фактлар ва суд материаллари Андижонда аввалдан чуқур ўйланган ва пухта тайёрланган террорчилик ҳаракати содир этилганини, бундан кўзланган мақсад ҳокимиятни эгаллаб олиб, конституциявий тузумни ағдаришдан иборат бўлганидан далолат беради.

Ушбу хунрезликни амалга ошириш чоғида террорчилар томонидан катта миқдорда қурол-яроғ қўлга киритилиб, одамлар гаровга олинган, шунингдек, шаҳар ва вилоят маъмуриятлари бинолари эгалланган, олти юздан зиёд ашадий жиноятчи қамқоқхонадан чиқариб юборилган. Шаҳардаги жамоат ва давлат биноларига ўт қўйилган, гаровга олинганлар қўноққа солинган ва ўлдирилган.

ЕИнинг мазкур экспертлар гуруҳлари вакиллари ушбу иш бўйича улар талаб қилган барча материал ва манбалар берилди, судланганларнинг адвокатлари, яқинлари ва қариндошлари билан, шунингдек, террорчиларнинг ўзлари - К.Парпиев, Х.Шокиров, И.Ҳожиев, С.Зайнобиддинов ва бошқа раҳбарлари ҳамда ташкилотчилари билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун имконият яратилди.

2007 йилнинг апрелида Парламентлар ҳамкорлиги қўмитаси мажлисида қатнашши доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрган Европарламент депутатлари ҳам Андижонга бориб, воқеа оқибат ўзларини

қиқиқтирган барча шахслар ҳамда турли норасмий ташкилотлар вакиллари билан учрашиб, мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Парламентлар ҳамкорлиги қўмитаси вакиллари мажлиси доирасида музокараларда томонларнинг қизиқтирган деярли барча масалалар бўйича эркин фикр алмашув ва мунозаралар бўлди.

Танқидий фикрлар билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнига эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида парламент томонидан давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва барча ҳокимият бўғинлари ўртасида мувоозанатли таъминлашга, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимларини тубдан эркинлаштиришга, 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш ва «хабеас-корпус» институтини жорий этишга, юртимизда туб ислохотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини қучайтиришга йўналтирилган конституциявий ислохотлар ва

ЛОНДОНДАГИ БРИТАНИЯ МУЗЕЙИДА «МУҚАДДАС КЎЛЭЗМАЛАР БИЗНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ. УНДА ЯХУДИЙЛИК, НАСРОНИЙЛИК ВА ИСЛОМ ДИНИГА ОИД ЭНГ МАШХУР ВА ҚИММАТБАҲО КЎЛЭЗМАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

С. МАККЕНДРИК, Британия кутубхонасининг кўлэзмалар бўлими директори:

Эътироф

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ БЕБАҲО ГАНЖИНАСИ

Британия, Оксфорд, Стокгольм ва Париж музейлари, Лидс, Манчестер, Колледжвилл (АҚШ), Тошкент ислом университетлари, Британия, Марокаш Подшоҳлик ва Миллий кутубхоналари ҳамда Ирландиянинг Честер Битти кутубхонаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳосиласи бўлган ушбу кўргазма Буюк Британия кириллици Елизавета II нинг турмуш ўртоғи Эдинбург Герцоги ва Марокаш подшоҳи Муҳаммад VI шафелигида ўтказилмоқда.

Британия кутубхонаси директори Л.Брайндли хонимнинг айтишича, кўргазмада маърифатпарвар ислом марказларидан берилган ўзбекистондан келган экспонатларнинг намоийш этилиши мамлакатда юқори даражадаги маънавият, маданият масалаларига ҳамда халқнинг тарихий меросини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. «Бу эса ўзaro илмий ҳамкорликни ривожлантириш истагида бўлган олимларимиз учун яхши имконият бўлиб ҳизмат қилади», деди Брайндли хоним.

Британия кутубхонасининг кўлэзмалар бўлими директори С.Маккендрик «Усмон Қуръони» ислом маданиятининг бебаҳо ганжинаси эканини алоҳида таъкидлади.

— Бу ганжинани қабул қилишнинг дунёнинг кўпгина илмий ва маданий муассасалари ўзи учун шараф, деб билади, — деди у.

— Ана шундай имконият айнан Британия кутубхонасига тақдим этилгани учун биз ўзбекистонлик дўстларимиздан миннатдормиз. Кўлэзманинг салобатли хажми унга нисбатан ҳурмат ҳисларини уйғотиши билан бир қаторда ушбу ноёб манба улкан илмий-тарихий аҳамиятга эга эканидан ҳам далолат беради, — деди олим.

Лондондаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг Ислом фанлари маркази директори Муҳаммад Абдул Халим бу каби учрашувларни ўтказиш ислом мероси, маданияти ва фанини тарғиб қилишда жуда муҳим аҳамият касб этишини айтди. У Британия жамоатчилигига ўз матбуазалари билан ўртоқлашгани билан ўзбекистонлик исломшунос олимларнинг ташрифларини ташкил этиш ҳамда уларнинг илмий мақолаларни ўзи раҳбарлик қилаётган «Қуръон тадқиқотлари» журналда чоп этилиши юзасидан қўмақлашишга тайёр эканини маълум қилди.

Ўзaro мулоқотлар чоғида Британиянинг маданий-академик ва сиёсий доиралари вакиллари ўзбекистоннинг диний қадриятларини асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасидаги тажрибасини ўрганишга катта қизиқиш билдиришди. Бу эса маърифатпарвар исломнинг чуқур тарихий илдизлари, мамлакатимиздаги маънавият ва динлараро уйғунликнинг эътирофидан далолатдир.

«Жаҳон» АА Лондон

Тадбир Минтақавий сиёсат жағмармаси (Ўзбекистон) томонидан Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази (Хиндистон) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Буюк Британия, Исроил, Хиндистон, Эрон, Хитой, Покистон, Россия, АҚШ ва Франциянинг таълим сиёсатшунослари, экспертлари ва таҳлилчилари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқроқ ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда бугунги кунда демократия, нафақат қадриятлар, балки аввало, инсоннинг устувор манфаатларини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва жамоат институтлари тизими экани таъкидланди. Мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг демократик ривожланиш йўлини тан-

мойиллари ҳамда халқимизнинг тарихий, миллий ва маънавий қадриятларига асосланган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини янада оширишдан иборат. Шу сабабли иқтисодий янада эркинлаштириш ва бозор муносабатларини жорий этиш ахтирмаларни кучли ижтимоий химоя қилишни таъминлаш масаласи билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилишнинг барча йўналишлари уйғун тарзда амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараён азалдан халқимизга хос бўлган миллатлараро, динлараро ва маданиятлараро бағрикенглик тамойили билан янада бойитиб боришмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда барқарорлик ва ижтимоий тотув-

фаатлар мос келган омилларни топиш, бунинг учун ўзaro мулоқотларни кенгайтириш зарур, — деди Буюк Британиянинг Кириллик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акхир. — Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас. Сўнги йилларда мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш йўлида жуда кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдам. Албатта, бу йўлда муаммолар бўлиши табиий. Бироқ Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга мамлакат ва шу сабабли бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этишига катъий ишонаман.

— Маъзур конференция мавзуси барча мамлакатлар ва халқлар учун жуда долзарбдир, — деди Россия-

БАРҚАРОРЛИК — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

ТОШКЕНТДА ЎТГАН «ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ БЎЛГАН ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ УМУМИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРНИ АНИҚЛАШ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, УШБУ ЙЎНАЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ.

лаган мамлакатимиз тажрибаси ҳам бунинг яққол исботидир.

Анжуман иштирокчилари сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада мулқола янги қадамлар қўйилганини алоҳида қайд этди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, уларнинг давлат қирлишида кенг ҳамда бевосита иштирок этишига доир қонунчилик мунтазам такомиллаштириб боришмоқда. Демократик ўзгаришларни амалга оширишда сиёсий партиялар ва нодавлат ҳижолат ташкилотлар, фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли, фуқароларнинг ижтимоий фаолиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти изчил юксалиб боришмоқда. Ўзбекистон фуқаролари шунги яхши биладиларки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан мақсад, аввало, инсон манфаатлари, барча демократик тамойиллари ва меъёрларнинг амалга оширилишини тўлиқ таъминлашдан иборат. Конференциянинг хорижий иштирокчилари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси ҳақиқий демократияга хос тамойиллардир. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қирлиши борасида ортирилган тажриба хорижда ҳам ўрганилса ва бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилса, арзийди.

Хусусан, Ўзбекистонда ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар учун муҳим омил бўлди. Эркинлаштириш жараёни барча жаҳонларда изчил амалга оширилиб, фуқаролик жамияти қирлишининг асосига айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда демократик янгиликни, давлат бошқаруви ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини қўлайлаштиришга қаратилган янги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, Конституция қиритилган ўзгаришлар — жамиятимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнининг яна бир далили бўлди. Ушбу жараён умумэтироф этилган демократия та-

лиқни таъминлаш ҳамда мустақамлаш гаровидир.

Демократия «экспорт қилинадиган товар» эмас. Мамлакат ўз халқи аънавалари, маънавий қадриятлари ва дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ривожланиш йўлини белгилаган тақдирдагина, турли давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик тенг ҳуқуқий мулоқот ҳамда ўзaro фойдални муносабатлар тамойиллари асосида қирлиқларда барқарор демократик ривожланишга эришилади. Конференцияда Брукинги институти (АҚШ) катта ходими Акбар Мубашар Жавед, Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти бош тадқиқотчиси Пьер Шабаль, ҳавфсизлик ва стратегик масалалар бўйича покистонлик таҳлилчи Ойша Сиддиқа, Хиндистон Мудофаа тадқиқотлари институтининг Россия ва Марказий Осиё бўлими илмий ходими Давид Рамакант ва бошқалар ўз қишқирларида шуларни алоҳида қайд этдилар.

Очиқ мунозара ва амалий мулоқот тарзида ўтган анжуман ниҳоятда ўза муҳбири унинг айрим иштирокчилари билан сўхбатда бўлди.

— Менинг катъий фикрим шундай — ҳар бир давлат ўз халқининг миллий ва маданий аънаваларига мос демократия моделини қирлишга ҳақли, — деди Хиндистон Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Малхотра. — Айни пайтда, мен барча учун демократиянинг ягона шакли бўлиши керак, деган фикрга қўшилмайман. Демократия ўхшаш бўлиши мумкин, лекин бир хил бўла олмайди. Афсуски, айрим давлатлар демократияни бошқа мамлакат халқини хоши-иродаси билан ҳисоблашиб ўтирмасдан, ташқарида олиб қирлиш ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Хиндистон каби ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлаган ва эътиборга лойиқ ушбу тажрибани ҳар томонлама ўрганиш зарур.

— Дунёда ҳавфсизлик ва барқарорлик мустақамланмоғи учун ман-

нинг Геосиёсий муаммолар академияси профессори, Россия Федерацияси Давлат думасининг МДХ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси ҳузурдаги эксперт-таҳлил кенгаши аъзоси Александр Шевков. — Ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — муҳим масалалардандир. Ривожланиш эса ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ. Барқарорликнинг асоси, аввало, иқтисодийлик бориб тақалади. Мен касбим тақозосига кўра, Ўзбекистонга доир статистик маълумотларни мунтазам ўрганиб бораман. Ушбу рақамлар ва реал воқелик шунги кўрсаткичлар, мамлакатимизда доимий иқтисодий юксалиш кузатилади. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ҳам обрўси йилдан йилга ортмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ва Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

— Ҳар бир мамлакатни ривожлантириш жараёнидаги энг асосий масала — бу миллий ўзига хошлиқни йўқотмаслик, асрлар давомида шаклланган миллий ўзликни англаб етишдан иборатдир, — дейди Ж.Маршал номидagi Ҳавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертлиб. — Президент Ислом Каримовнинг катъий позицияси ниҳоятда тўғри. Икки ёқлама стандартлардан фойдаланган ҳолда, ўз мафқурасини ўрнатиш, бошқа халқларга хос қадриятларни чиплакка чиқаришга уринишларга қарши ўз вақтида зарба берилиши зарур. Демократияни бошқа мамлакатларга зўрма-зўраки тикиштириш ҳақиқий демократияни пойма қилишдан ўзга иш эмас. Ўзбекистон ўзининг миллий мафзаатларини ҳисобга олиб, ўз ривожланиш йўлини танлади ва бу йўлдан ишонч билан, оғилмай олга боришмоқда. Тараққиёт — устувор мувозанат, барқарорликка интилиш демакдир. Биз Ўзбекистонда айнан ана шундай ҳаётбахш жараёнинг гувоҳи бўлишмоқда.

Анна ИВАНОВА, Ўза муҳбири

Иқтисодиёт ТЕМИР-БЕТОН МАҲСУЛОТЛАРИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТУЛАБАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРАЙЛАТГАН, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАТГАН КОРХОНАЛАРГА БУЮРТМАЧИЛАРИ САФИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ЭРИШМОҚДАЛАР.

Ўзоқ йиллардан буён ўз соҳасида самарали фаолият юритаётган «8-темир бетон буюмлари заводи» хозирда очик акциядорлик жамияти сифатида иш юритмоқда. Жамоа аҳли асосан малакали, касбининг ҳақиқий усталари саналади. Мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда бунёдкорлик ишлари қизгин тўс олди. Маҳабатли йўл, мустаҳкам, замонавий кўприк ҳамда мухташам бинолар қирлиши учун жамият аҳли катта буюртмаларни бажармоқда.

Давлат аҳамиятидаги иншоотларга шартнома асосида етказиб берилаётган маҳсулотларни тайёрлашда жамоа аҳлига цехларда ўрнатилган ишлаб чиқариш куввати йилга 22-24 минг кубометр темир-бетон тайёрлашга мўлжалланган замонавий линия, дастгоҳ ҳамда усқуналар кўл келмоқда. Ишга яраша соф фойда ҳам салмоқли, албатта. Корхона тадбиркорлари уни аниқ режаларга кўра жамиятнинг босқичма-босқич модернизациялаштириш, ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва мароқли хордиқ чиқаришлари учун сарфламоқда.

ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ

БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРАЙЛАТГАНЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИМИЗ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ ҲАМДА УЛАРНИНГ УШБУ СОҲАДА ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИЛАРГА ЭГА БЎЛИБ БОРАЁТГАНЛАРИ АЛОҲИДА ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.

Юнусовод туманида 2003 йилдан буён фаолият юритаётган «Nigora» моделлар ательеси раҳбари Нигора Одилованинг самарали сай-ҳаракатлари туфайли жамоа аҳлини нафақат туманда, балки шаҳарда ҳам кўпчилик эътироф этмоқда. Буюртмага асосан тикилаётган либослар кундалик, тўю тантанамали, офис ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, но-зик диҳ ҳамда қалб кўри қўшиб тайёрланади.

Утган йил охиридан эса хажигина болажонларимиз учун ҳам мавсумий кийим-кечаклар тикиш хизмати йўлга қўйилди. Маъзур ателье салоҳи миҳозларга қулай, замонавий услубда жиҳозланган. Эътиборли томони, сизни бу ерда ҳушмуомалалик билан кутиб олишда ҳамда хоши-истагинизга кўра тезкор хизмат кўрсатишдади. Ташрифингиздан эса албатта, кўнглингиз тўлади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР ОШАДИ

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ХЎЖАЛИК ЮРИТУВИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПУХТА ЙЎЛАНГАН, БИРИНЧИ НАВБАТДА СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 августда бўлиб ўтган мажлисида ҳам солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилиниб, 2007 йилга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсати концепцияси белгиланиб олинди.

Солиқ юқининг камайитирилиши натижаида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолигининг ошиши ва аҳолининг реал даромадлари кўпайиши кузатилади. Бунда бюджетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумлари кўпайиши, солиқ тўламаслик ҳолатларининг камайиши, солиқ йиғиш даражасининг ошиши ва солиқ солинадиган баъзи бир қисмининг «хуфёна сектор»дан чиқарилиши ҳисобига қопланади.

Солиқ имтиёзларининг юқори даражаси — солиқ тизими муаммоларидан беририри. Негаки, бундай ҳол корхоналар фаолиятининг ҳақиқий натижаларини ноаниқ кўрсатиш билан бирга уларнинг фаолияти учун тенгсизлик вазиятини вужудга келтиради. Имтиёзли солиққа тортиш механизми хозирги пайтда асосан зарар билан ишлаётган корхоналарни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Юридик шахс сифатида фаолият юритаётган субъектларга биринчидан, чет эл инвесторларини жалб этишга; яъни, чет эл инвестори ўзининг замон талабларига жавоб берадиган технологияларни олиб қираётганларга имтиёз бериш лозим. Бунда шу технологиялар билан чет мамлакатларга жаҳон стандарти талаблари даражасига етказиб ҳам ашёрларимизни чиқарсак ва четга со-тадиган бўлсак бюджет даромадлари ҳам кўпаяди, янги ишчи ўринлари ҳам яратилади. Шу жумладан, фан-техника тараққиётига ҳам имтиёз берилса жоиз бўлури эди.

Имтиёзлар бирор бир фаолият бўйича берилиши керак, лекин корхонага маълум муддатга имтиёз берилганини шу вақтда корхона фойда олиб, имтиёз муддати тугагандан сўнг эса фаолиятини давом эттирмасдан уни тугатилган ҳолатлари ҳам учраб туради.

Тажжуб, бу ҳолатда кимга фойда, кимга зарар? Соҳа мутасаддилари ушбу ҳолатни яна бир қарра ўрганиб чиқсалар жуда тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Хулоса қилиб айтганидан бўлсак, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан солиқ сиёсатидаги ўзгариш ва имтиёзлар ҳам иқтисодимиз ривожини, аҳоли даромадининг ошиши каби катор ҳайрли мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Шерзод ҚИЁСОВ

КОРЕЯДИК ИШБИЛАРМОНЛАР: «МАҚСАДИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК»

ХОРИЖДАГИ КОРЕЙС ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ ҲАҲОН ФЕДЕРАЦИЯСИ УЮШМАСИ НУФУЗЛИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИР НЕЧА КҮН ДАВОМИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛДИ. ТАШКИЛОТ ҲАҲОННИНГ 68 МАМЛАКАТИДАГИ 246 КОМПАНИЯНИНГ 3 МИНГДАН ЗИЁД ВАКИЛЛАРИНИ ЎЗ АТРОФИДА БИРЛАШТИРГАН. ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ ЧОҒИДА 62 МАМЛАКАТНИНГ 120 ДАН ОРТИҚ ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИЛАР.

Федерация аъзолари МДХ мамлакатларидаги илк конференциясини Тошкентда ўтказишди. 2006 йилга қадар федерациянинг йиллик конференциялари Сеулда ва икки маротаба Пекин шаҳрида бўлиб ўтган. Форумни ўтказишдан қўланган асосий мақсад чет элларда фаолият кўрсатаётган Корей компаниялари раҳбарларини Ўзбекистоннинг сармовий салоҳиятини билан таништиришдан иборат эди.

Ўзбекистон томони билан биргаликда Корей Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Корей саноат-саноат палатаси, Корей саноатчилар федерацияси, Чет эллик корейлар жағмармаси ҳамда Корей кичик ва ўрта бизнес федерацияси маъзур бизнес-форумнинг мувофиқлаштирувчиси бўлди.

Халқроқ бизнес марказида бўлиб ўтган икки мамлакат тадбиркорлари иштирокидаги бизнес-анжуман чоғи хорижлик бизнесменлар Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишишлари баробарида иқтисодий эркинлаштириш жараёнлари, хорижий сармовяларни жалб этиш, чет эллик тадбиркорлар учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари ҳақида атрафлича маълумотлар олишди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирлари Корей делегацияси раҳбарлари ва аъзоларидан Тошкентда ўтказилган маъзур учрашувлар ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашганини сўради.

Хориждаги корейс ишбилармонларнинг жаҳон федерацияси уюшмаси директорлар кенгаши раиси, собиқ давлат сиёсати вазирли, тўртинчи чакриқ Миллий Ассамблея депутаты Ким Дог Рён Корей ва Ўзбекистон ҳамкорлиги кун сайин мустақамланиб бораётганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз иқтисодиётининг кўпгина тармоқларида кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятларга эгадир, — дейди у. — Жумладан, табиий ресурсларга унча бой бўлмаган Корей учун энергетика соҳаси алоҳида қизиқиб касб этади. Ўзбекистонда улкан энергетика захиралари ва бошқа бойликлар мавжуд. Шу боис, табиийки, биз учун айнан уларни қазиб олиш соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида жуда катта имкониятларга эгадир. Ташриф давомида биз бу ерда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар жуда маъзали эканлигига ва улар ўз нозиктаб истеъмолчилар талабини ҳам қондириши мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Корейс ишбилармонлари, албатта, ўз куч ва имкониятларини бу соҳада ҳам синиб

қўрсалар фойдали бўлар эди.

Яна бир тармоқ — пахта таласини қайта ишлаш соҳаси ҳам биз учун алоҳида қизиқиб уйғотади. Айни пайтда Ўзбекистонда Корей сармовияси иштирокидаги бир неча тўжамачилик корхонаси фаолият кўрсатаётгани ва бу борадаги алоқаларни кенгайтириш учун имкониятлар ҳали тўла ишга солинмаганини яқин англаймиз.

Ўз навбатида, Корей Ўзбекистонга республикада катта аҳамият қаратайлаётган ахборот технологиялари ва банк соҳасида ўзaro ҳамкорлик қилишни таклиф этиши мумкин.

Хориждаги корейс ишбилармонларнинг жаҳон федерацияси уюшмаси президенти, «Mauihan Group» компанияси бошқарувининг раиси Хан Чанг У (Япония фуқароси, эътиқ корейс, «Forbes» журналы маълумотига кўра, у Япониядаги энг бой одамлар рўйхатида 28-ўринни банд этган. 2006 йилда унинг сармовияси микдори 13 миллиард АҚШ доллари билан ташкил этган) сўзларига қараганда, делегация аъзолари Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан мустаҳкам ва узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш ниятидадир.

— Делегацияимизнинг кўпгина аъзолари Ўзбекистонга илк маротаба келишди, — деди Хан Чанг У. — Шундай бўлишига қарамай, бу ерда бизнес учун янги ҳамкорлар топиш юзасидан бизнинг ишончимиз қомил. Уюшмамиз аъзолари жаҳоннинг кўллаб-давлатларида фаолият юритади ва ўз маблагларини сармовя сифатида қиритиш учун янги имконият ва бозорларни излайди. Хорижий ишбилармонларни жалб этиш учун Ўзбекистонда самарали ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан жуда мамнунмиз. Улар энг юксак баҳога лойиқдир. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг хорижий ишбилармонлар билан яқин алоқаларни ўрнатиш мумкинлигини чуқур англашдан далолат берадиган муҳим омилидир.

Шаҳсан мен Ўзбекистонни кўпдан бери яхши биламан ва доимо бу ерда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатиб бораман. Корейда фаолият кўрсатаётган кўллаб-тадбиркорлар ҳам юртингизни яхши билишди. Бироқ Корей ташқарисидан, яъни хорижий мамлакатларда ишлаётган уюшма аъзоларининг айримлари, улар билан сўхбатда аён бўлдики, Ўзбекистоннинг катта иқтисодий имкониятлари ҳақида тўла маълумотга эга эмас. Шу боис Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақидаги билимларни кенг тарқатишни нафақат аънавий ҳамкор-мамлакатларда, балки жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳам фой

олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Фикримча, бу масала юзасидан биз биргаликда ишлашимиз керак.

Бугун биз икки томонлама ҳамкорликнинг гоят истиқболли тармоқларидаги алоқаларни кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ва ишбилармонларимиз амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари — энергетика ва машина-созлик, тўжамачилик, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан тортиб, сайёхлик ва табиий эҳсосига эга алоқаларни ривожлантириш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистон иқтисодиётидаги жоизбардорлик боис ҳар қандай соҳада фаолият юритувчи ишбилармонлар бу ерга бажонидил келиши ва ўз ишида муваффақият қозониши мумкин.

Тошкентдаги учрашу ташкилотчиларидан бири, Корей Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси, Тошкент Гольф клуби президенти Со Ко И ўз фикри билан ўртоқлашар экан, қуйидагиларни баён этди:

«Корей тархи жўрғоғий ҳудуди жиҳатидан у қадар катта мамлакат бўлмаса-да иқтисодий қудрати бўйича ҳақиқатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Кўллаб-корейс ишбилармонлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Биз Хориждаги корейс ишбилармонларнинг жаҳон федерацияси уюшмаси аъзолари бўлган 120 нафардан ортиқ ишбилармонни Тошкентга таклиф этдик. Бизнинг қароримиз катъий эди: Ўзбекистон — иқтисодий ўсиш учун жуда катта салоҳият ва кучли қонунчилик базасига эга, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар самарали тарзда рўйбга чиқарилаётган, жоизбали иқтисодий иқлимга эга бўлган ҳамда жадал тараққиёт этаётган давлатдир.

Ўзбекистон ва Корей иқтисодий алоқалари сўнгги пайтларда жадал суратларда ривожланмоқда ва тобора мустақамланиб боришмоқда. Бугунги форум иқтисодиётнинг аниқ-равшан жаҳонда фаолият юритаётган ва ўзaro ҳамкорлик мақсадида бу ерга йиғилганлар учун жуда муҳим воқеа бўлди. Улар сармовя қиритишга, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрдилар.

Яна шунги ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қ

ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ КЎПГИНА ХАЛҚЛАР ҚАТОРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР БОШИГА ҲАМ ОФИР МУСИБАТ КЕЛТИРГАНИ РОСТ. МИНГЛАБ ОНАЛАРИМИЗ ЎЗ ЖИГАРГЎШАЛАРИДАН, ЁШ КЕЛИНЧАКЛАР ЁРИДАН АЖРАЛГАНИ, БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ТУРМУШ ЎРТОҚЛАРИНИ УМР БЎЙИ КУТГАНИ ҲАМ БОР ГАП, ҚАНЧА-ҚАНЧА БОЛАЛАРНИНГ ОТА МЕҲРИГА ТЎЙМАЙ ЎСГАНИНИ УНУТИ БЎЛАДИМИ. МЕҲНАТКАШ, МАТОНАТЛИ, БАФРИКЕНГ ХАЛҚИМИЗ БУ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ҲАМ МАРДОНА ЕНГДИ. УРУШ ЙИЛЛАРИДА РУС, УКРАИН, БЕЛОРУС ВА МИЛЛАТИДАН ҚАТЪЙ НАЗАР МИНГЛАБ ЕТИМ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ОЛДИ, ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИ ҚАТОРИ ВОЯГА ЕТКИЗИБ, ТАРБИЯЛАДИ. УРУШНИНГ БУНДАЙ ОФИРЛИГИНИ КЎТАРГАН ХАЛҚИМИЗНИНГ ЯҚИН ТАРИХИНИ УНУТИ БЎЛАДИМИ.

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ



Хотира ҳам, қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улугъ неъматидир, ҳеч қачон унутилмайдиган, абади ва ардоқли одабийлик мезонларидир. Шу мезонлар юртдошларимиз маънавиятида муносиб ўрин тутуши масаласига республика миқёсида эътибор қaratилиб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2007 йилнинг Ижтимоий Ҳимоя йили деб эълон қилиниши кесаклар қадр-қимматига эҳтиром туйғусини янада оқсатириш маъсулиятини юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" 2007 йил 27 апрелидаги Фармони бу борадаги яна бир олижаноб қадам бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эҳтиром сифатида ўтказилаётган тадбирлар республикаимиз пойтахти, вилоят ва туманларида кенг қулоқ ёзди. Кўни кеча Республика Маънавият тарғибот маркази ташкил этган "Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси мукдадд" мавзuida Ўзбекистон Республи-

каси Мудоффа вазирилик, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир кекса отахон ва онахонларни, хусусан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини қадрлашга бағишланди.

Анжумани Республика Маънавият тарғибот маркази ўринбосари С. Олимов мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш бўйича бевосита Юртбошимиз раҳбарлигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани ҳақидаги фикрлар билан очиб берди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Мухаммаджонов, Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмомилова, Яйра Абдуллаева ва шоир Назарматнинг чиқишлари ҳамда Куролли Кучлар ансамблининг ватанпарварлик мавзусидаги кўтаринки кўшиқлари тадбирга ўзгача шўхуқ бағишланди.

Тадбирда пойтахтимизнинг уруш фахрийларига эсдалик совғалари топшириш билан бирга Рес-



публикаимиз олий ўқув юртлири талабалари ва Олий ҳарбий божхона институти курсантлари фахрийлар билан қизгин сўхбат қурдилар, ёшлар ўзларини қизиктирган саволларига жавоблар олишди. Курсантлар самимий сўхбат давомида фахрийларнинг ўрнак бўлишга арзигулик хотираларидан гурурланиб, улардан эсдалик дастхатлари олиб қолдилар. Тадбир ёшлар қалбида миллий гурур ва ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Яшнар ХУДОЙБЕРГАНОВ, Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси

«Камолот»

ЁШЛАР САЙЛИ

КУНИ КЕЧА «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ»ДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ҲОМИЙЛИГИДАГИ «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ «БИЗ— МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!» ШИОРИ ОСТИДАГИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ — ЁШЛАР САЙЛИНИНГ ЯҚУНЛОВЧИ ҚИСМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Сайилда ўзбек эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастури ҳамда абируриятлар учун пойтахтда жойлашган олий ўқув юртлирининг кўргазмалари ташкил этилди. Тадбирга барча умумтаълим мактаб, академик лицей, ўрта махсус касб-хунар коллежи битирувчилари жалб қилинди. Тадбирда ўн мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

ҲАҚОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 11 ТА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ҲАҚОЛЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ ЎТҚАЗИЛДИ

«Йил мактаб етакчиси»—С.Раҳимов тумани 146-мактаб етакчиси Малоҳат Тўхтаева, «Йил мактаб «Камолот» сардори»—С.Раҳимов тумани 242-мактаб, «Камолот» сардори Шохруҳ Шарипов, «Йил мактаб «Камалак» сардори»—Чилонзор тумани 131-мактаб «Камалак» сардори Гузал Очилова, «Йил касб-хунар коллежи етакчиси»—Чилонзор тумани Республика Олимпия захиралари коллежи етакчиси Абдор Мамадалиев, «Йил академик лицей етакчиси»—ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи етакчиси Асрор Маҳкамов, «Йил сардори»—Мирзо Улугбек тумани «Камалак» сардори Шохруҳ Холматов, «Йил етакчиси»—Ҳамза тумани «Камолот» етакчиси Хусан Қўшоқов, «Йил олий ўқув юрти етакчиси»—ЎзЖТДУ бошланғич ташкилот етакчиси Шухрат Нуриддинов, «Йил олий ўқув юрти факультет етакчиси»—ТДШИ «Халқаро муносабатлар ва иқтисод» факультети етакчиси Сардор Маҳкамов, «Йилнинг энг фаол туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси»—Чилонзор тумани Болалар ташкилоти раиси Баҳодир Зиёвуддинов, «Йил ходими»—ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Муроджон Зуфаровлар тақдирландилар.

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ АНЖУМАНИ

ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН УШБУ АНЖУМАНДА 7 ТА БЎЛИМ ИШ ОЛИБ БОРДИ ВА УНДА 260 ГА ЯҚИН ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА-ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Анжуман дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ва «Камолот» ЁИҲ Миробод тумани Кенгаши ҳомийлигида ўтказилди. Талабалар илмий жамияти анжуманининг ўтказилишидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий мақолаларини чоп этиш орқали ёшларнинг билими, ақл-заковатини намоён этиш учун шарт-шароит яратиб бериш, уларни илм-фанга, илмий излашларга жалб қилиш каби хайрли мақсадлар кўзлан-ди.

Айтиб ўтиш жоизки илмий анжуманларда ёшларнинг иштироки йилдан йилга кўпаймоқда, масалан ўтган йилги анжуманда 252 нафар талаба иштирок этган бўлса, бу йилги анжуманда 260 нафар иқтидорли талаба-ёшлар ўз илмий ишлари билан иштирок этдилар.

Асосийси, бу талабалар бир йил мобайнида ўзларини қизиктирган фан ва мавзуда илмий излашни олиб бордилар. Бунда талаба бўш вақтини ўз-ўзидан илмий ишларга, китоб ўқишга, адабиётлар билан ишлашга сарфлаши фармацевтика келажакги ўш ёшларнинг қўлида эканлигидан далолат беради. Ҳомий сифатида дори воситаларини стандартлаш илмий маркази анжуман голибларини алоҳида рағбатлантиришга ўз эътиборини қаратган. Голиблардан илмий ишга янада лаёқатлилари танлаб олиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларда илмий излашлар олиб бориш ҳуқуқини берадиган «Ёш олимп» грантига «Камолот» ЁИҲ тавсияси билан сазовор бўлмоқда. Бундан ташқари, дори воситаларини стандартлаш илмий маркази томонидан ёшлар илмий излашларини давомида ижтимоий Ҳимоя қилиниб келинмоқда. Иқтидорли талабаларнинг 14 нафари, магистрантларнинг 6 нафари грант ва ҳужалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот ишларида қатнашмоқда.

Талабалар илмий жамияти анжумани голибларининг маърузалари журналларда чоп этилади, 7 та бўлим бўйича соғирлиқ уриналари эгаллаган 34 нафар талабалар қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Нодира НИЗАМОВА,

«Бунёдкор» ёшлар телеклуби координатори БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ

ЭЗГУЛИК, БАФРИКЕНГЛИК ДИНИ БЎЛГАН ИСЛОМНИ ЎРГАНИШ ВА ДИНДОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАСЖИД ВА МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ВА УНИНГ ҚОШИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРИ ТУФАЙЛИДИР.

Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Тошкент—Ислом маданияти пойтахти» мавзусида маънавий-муслиқ анжуман ўтказилди. Мазкур анжумани Ўзбекистон Давлат консерваториясининг проректори С.Бегматов очди ва бўлиб ўтаётган тадбирнинг аҳамияти ҳақида тўхталиди. Миллий маданиятимиз, қадриятларимизни ўзида жамулжам этган катта концерт дастурида Ўзбекистон халқ хофиз, ширали овоз соҳиб Махмуд Тожибоев, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суқубова, Ўзбекистонда хизмат қўрган артистлар Машраб Эрматов, Эркин Рўзиматов, Юнус Ражабий номдаги минтақавий мақом ижрочилари танловининг совриндорлари ва соҳналарда гуруҳи ижросидаги куй ва кўшиқлар барчага манзур бўлди.

Мухтасаржон КАРИМОВА

Санъат

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА САҢЪАТ ВА МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА, МУСИҚА КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ ЯҚУНИГА БАҒИШЛАНГАН ҲИСОБОТ КОНЦЕРТЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ, 3-БОЛАЛАР САҢЪАТ МАКТАБИДА БЎЛИБ ЎТГАН КОНЦЕРТ ДАСТУРИ ҲАМ УШБУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎТҚАЗИЛДИ.

Катта байрам руҳиятида ўтказилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари Бош бошқармасининг болалар музика ва санъат мактаблари бўйича бош мутахассиси Д. Мирсодиқова, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори К.Азимов, болажонларимизнинг севимли бастакори Но-

дим Норхўжаев ва шаҳримиздаги мавжуд болалар музика ва санъат мактаблари раҳбарлари ҳамда журналистлар таширф буюрдилар.

Концерт дастурида санъат мактаби ўқувчилари ижросида «Она юртим», «Самая счастливая», «Богемизга мархабо», Мирзаҷўл ёр-ёри», «Яллама ёрим», «Лирик вальс», «Севинч», «Танго», «Камолат», «Татар халқ ракси», «Сладкая греза», «Олма отдим» каби йигирман ортиқ куй ва кўшиқларни ийрилганлар эътиборига хавола этидилар.

Санъат мактабимизда ушбу ҳисобот концертини ташкил этиш аниқнага айланган ва ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда, — дейди шаҳримиздаги 3-Бола-лар санъат мактабининг директори Ҳамидулла Сағдуллаев. — Буни йил давомидаги ўтказилган сарҳисоб концерт деб ҳам аташ мумкин. Мактабимизда худаям истеъдодли ўқувчилар билим оладилар. Бугунги концерт дастурида эса бизда ўқиб

илм олаётган барча ўқувчиларимиз иштирок этдилар. Таҳсил олаётган болаларимиз ижросидаги куй-кўшиқлар барча меҳмонларга манзур бўлди, чамамда. Мактабимизда санъатга қадам қўйиб келаятган ёшларга босқичма-босқич музика сирларини ўргатиб борилади. Ўқувчиларимиз йил давомида шаҳримизда ўтказилган турли хил танлов ва фестивалларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаганларини ҳам фахр билан таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Санъат оламига кириб келаятган ҳар бир ёшнинг истиқболи порлоқ бўлишини, истаимиз албатта. Бунинг учун болаларнинг муслиқ билимларини пухта эгаллашлари, ўз иқтидор ва истеъдодларини намоён эта олишлари, ўз устидан илм олишлари, интилишлари учун биз ўқитувчилар уларга ҳар томонлама ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Истаимиз ҳам, ниятимиз ҳам ягона, яъни ёшларимиз келажакда ўзларининг ҳисобот ва овозлари билан жаҳон сахнала-

рига забт этсинлар. Улар ижросидаги куй-кўшиқлар жаннатмакон Ўзбекистонимиз таърифини таран-улар айласин, биз устозларга эса улар билан фахрланиб юриш доимо насиб этсин.

Ҳисобот концерти сўнггида, сўзга чиққан санъат мактаби ўқитувчилари ва таширф қилинган меҳмонлар



ўқувчиларга ўзларининг эзгу ниятларини билдирдилар ва энг иқтидорли ўқувчиларга Фахрий ёрликлар ва совғалар тақдим этдилар. Ўқувчилар ҳам ўз мавзуда, ўз устозларига гуллар ҳадя қилдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: ҳисобот концертдан лавҳа.

Хунармандчилик

...ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

ҲАР ҚАТИГА ЗАР ИПЛАРИДАН ЖИЛО БЕРИЛГАН, ТУРФА НАҚШУ ГУЛЛАРИДАН ГЎЗАЛЛИК ВА БЕҒБОРЛИК УФУРИБ ТУРГАН ЗАРДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ БАРЧАНИ МАФТУН ЭТИШИ, ШУБҲАСИЗ, АЛБАТТА, БУ БОРАДА МОМОЛАРИМИЗ ХУНАРИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН, ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНТИРАЁТГАН, МЕҲНАТЛАРИ БИЛАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАН УСТА ЗАРДЎЗЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАСИ КАТТА.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида фаолият кўрсатаётган Шоира Болтахўжаева ушбу хунар билан 6 йилдан буюн шуғулланади. Шунинг баробарида ёш қизларга ушбу хунар сирларини эрич-мил ўргатади, шогирдлар тайёрлайди. Айниқса, у тиккан турли рўзгор ашёлари, ёстиқ жилдлари, сўзана ва миллий

либослар нафақат кўриниши балки, ўзига хош жилоси, мазмун-моҳияти билан ҳам ажралиб туради.

— Юртимизда хунармандчилик ривожига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларга берилган имтиёзлар соҳа ривожига катта аҳамият касб этади, — дейди зардўз Шоира Болтахўжаева. — Айниқса, ёшларимиз орасида хунар эгаллашга, ота-боболари ишларини давом эттиришга иштиқомандлар ортиб бораётганлиги кувонарлидир. Узим меҳнат қилаётган Учтепа миллий хунармандчилик коллежида ҳам ўғил-қизларимизнинг кунт ва маҳорати, танлаган хунарига меҳри, уни ўргатишга астойдил қизиқишига гувоҳ бўламан ҳамда махсус фан ўқитувчиси сифатида улар билан мунтазам шуғулланаман. Албатта, шогирдларим ютуқларидан илҳомланиб, излашларида ёрдам бераман. Ахир Ўзбекистонимиз халқ амалии хунармандчилиги йўналишларига муносиб ҳисса қўшиб, юртимиз доверини жаҳонга танитаётган хунари гўзаллар орасида мана шу ёшлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Хозирда устоз ва шогирдларнинг тайёрлаган зардўзлик буюмлари 100 хилдан ортиб кетди. Утган йилда улар давлатимиз герби ҳамда соҳибқирон Амир Темур сиймо-

ва. — Айниқса, ёшларимиз орасида хунар эгаллашга, ота-боболари ишларини давом эттиришга иштиқомандлар ортиб бораётганлиги кувонарлидир. Узим меҳнат қилаётган Учтепа миллий хунармандчилик коллежида ҳам ўғил-қизларимизнинг кунт ва маҳорати, танлаган хунарига меҳри, уни ўргатишга астойдил қизиқишига гувоҳ бўламан ҳамда махсус фан ўқитувчиси сифатида улар билан мунтазам шуғулланаман. Албатта, шогирдларим ютуқларидан илҳомланиб, излашларида ёрдам бераман. Ахир Ўзбекистонимиз халқ амалии хунармандчилиги йўналишларига муносиб ҳисса қўшиб, юртимиз доверини жаҳонга танитаётган хунари гўзаллар орасида мана шу ёшлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Хозирда устоз ва шогирдларнинг тайёрлаган зардўзлик буюмлари 100 хилдан ортиб кетди. Утган йилда улар давлатимиз герби ҳамда соҳибқирон Амир Темур сиймо-

Нозима АКРОМОВА СУРАТДА: зардўз Шоира Болтахўжаева ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда



ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

— Биргаликдаги ҳамкорлик аҳоли саломатлигини яхшилаш, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, мувофиқлаштирилган сайё-ҳаракатларни амалга ошириш имконини бермоқда, — дейди тадбирда сўзга чиққан Осие Тараққийёт Банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хонг Вей. — Марказий Осиеда мазкур касаллиқни бар-тарф этиш мақсадида Осие Тараққийёт Банки, БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНЕСЕФ билан ҳамкорликда 2001 йилдан бошлаб «Марказий Осие мамлакатларида ўтиш даврида кам таъминланган оилалар ва болалар овқатланишини тақомиллаштириш», «Марказий Осие ва Монголияда озик-овқат маҳсулотлари етказилишини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга оширмоқда. Осие Тараққийёт Банки бу масала устида иш бошлаганида Марказий Осие давлатларидаги кўпгина болалар йод танқислиги касали билан оғриб, соғлиқни сақлаш тизими ва инсон ресурслари катта миқдорда зарар кўрдари. Лойиҳалар мазкур соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

ТОШКЕНДА «ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

қарувчилар маҳсулотларини йодлашлар шарт. Хонг Вейнинг таъкидлашича, бу қонун инсоннинг меҳнат ресурслари имконияти ва ақлий салохиятини пасай-тирувчи йод танқислиги касаллигининг камайишига ёрдам беради.

Хукуматнинг давомий, изчил сайёҳаракати билан йод танқислиги касаллиги Ўзбекистонда 2010 йилгача камайи-ши кутилаётган. 2001 йилда Ўзбекистон ва Осие Тараққийёт Банки уртасида грант жамғармаси маблағларини кам таъмин-ланган аёллар ва болалар овқатланишини яхшилашга йўналтириш бўйича бит-тим имзолаган. Унга кўра Марказий Осие-га 6,85 миллион ажартилган. Шундан 1,2 миллион доллар Ўзбекистонга те-гишлидир.

Вазирлар Маҳкамаси вакили Танзила Норбоева журналистларнинг саволлари-га жавоб бериб, лойиҳанинг дастлабки босқичи доирасида мавжуд ҳолат чуқур таҳлил қилиниб, сармовийи режа ишлаб чиқилгани, мамлакатдаги 13 та туз ком-паниялари йодлаштириш технологияси таҳламлири, 14 та ун корхонаси техно-логия ва умумий қиймати 857 миң дол-лар (89 тонна) бугунги унинг бойишига мўлжалланган 1 сон КАП мажмуъаси жи-ҳозлари билан таъминланганини таъкид-

лади. Ишлаб чиқариш, санитария эпи-демиология ходимлари, маҳаллий ҳуку-мат ва нодавлат ташкилот вакиллари учун ўқув семинар машғулотлари ўтказилди.

Лойиҳани амалга ошириш вақтида 87,8 миң тонна йодланган туз ишлаб чиқил-ди. (Ўзбекистонда тузга бўлган йиллик эҳтиёж 91 миң тоннани ташкил этади).

Матбуот анжуманида сўз олган Соғлиқ-ни сақлаш вазири ўринбосари Бахтиёр Ниёматовнинг таъкидлашича, лойиҳа-нинг иккинчи босқичида йод танқислиги касаллигининг олдини олишнинг қону-ний асосларини мустаҳкамлашга ало-ҳида эътибор қаратилади. Иккинчи босқич-да (Ўзбекистонда 2007 йил 31 майда ақунланса-да, хозир қабул қилинган қонунга мувофиқ «Озиқ-овқат тузини йодлаштириш» Ўзбекистон стандарти ва халқаро меъёрларга мута-носиб ҳолда йодлаштириш бўйича сани-тария қондилари ва талабларига ўзгар-тириш қилинган).

Истеъмол туларини йодлаштириш жа-раёни корхоналарнинг ишлаб чиқариш лабораторияси, санитария-эпидемиоло-гия органлари ва истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофазаси қилиш жамияти томонидан на-зорат қилинмоқда.

Алоуддин ҒАҒФОРОВ, «Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Хар садафда бўлмағай лекин гуҳар.

Барча аъзолар ичинда кўз азиз.

Ўз ичида дом қурмиш улки, бок, На ўзи қолгай саломат, на тузук.

Ўғри нафсинг ёнида айланмағил, Ҳақ иши эрмасни кўй, тарк айлагил.

Бир жиҳатдин бул жаҳон бефойдадир, Бир жиҳатдин ул — жаҳони фойдадир.

Шоду хуррамликка етса жонимиз, Орта бошлар ҳиммату эҳсонимиз.

Ол, қизил ранг барча рангдин яхшидир, Ул куёш ранги, куёшнинг нақшидир.

Ақлу ҳуш бошингда мисли шам эрур.

Бахтлидур ул, ишни дўндирса тайин, Кексалиқдин қомати ҳам бўлмайин.

Кексалиқ тупроғи шўрдир, ўйлақим, Шўрлаган тупроқда унгайму экин?

Хар ёмон феълинг ўзингга бир тикан, Санчилик пойингга, абгор айлаган.

Хаста хулқинг ўзгаларни ҳар сафар Хастаҳол айлар, вале сен беҳабар.

Ўт қочар сувдин, чу имкон айлагай, Чунки сув оташни вайрон айлагай.

Эй йўловчи, кундузинг шом бўлди, юр, Чоҳ сари оғмоқда офтоби умр.

Қолган ул уч-тўрт кунингни шайлагил, Яхшилиқка сен уни харж айлагил.

Тингла пандим, тан тириклик бандида, Эскидан кеч, эрса кўнглинг янгида.

Ҳиссиёт дунёси паст олам эрур.

Ўқнимас, қаҳрингни синдир.

Ойна бўлғайму бошқатдин темир? Ёки дон ҳолига қайтғайму хамир?

Тоғ бор овозни талқин айлагай, Тоғ бор, юз қарра афзун айлагай.

Чун қаламким, тушса гаддор дастига, Шубҳасиз, Мансур борур дор остига.

Қанча ҳосид бор — қиёмат палласи Бўри шаклига қирурлар-барчаси.

Хар ҳаромхўрким, емиш очкўз бўлиб, Ўрнидан тургай юҳо тўнғиз бўлиб.

Хар зинокор жисми айнаб, дудланиб, Хар шаробхўр оғзи бижғиб, ҳидланиб.

Сирли ўрмондир вужуди одамий, Ул вужуддин сен ҳазар эт ҳар даме.

Қайси феъл устун эса, сарвар ўшал, Зар зиёдроқ эрса мисдин, зар ўшал.

Сийратингда не амал голиб эрур, Ул шаклда турмоғинг вожиб эрур.

Бир замон оч бўридек бўлғай башар, Бир замон Юсуфдир ул, зебо қамар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Молия институти томонидан 1999 йилда Уринов Шамсиддин Зикиреевич номига берилган № 24 3788 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Молия институти томонидан 1996 йилда Уринов Зайниддин Зикиреевич номига берилган № 092067 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 19 июнь кунини соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 26 апрелдаги 705-707/2-сонли ва 2007 йил 8 январдаги 1-2/07-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Домбробод кўчаси, 89А-уй манзилидаги «Домбробод-Савдо» МЧЖ ҳудудидида сақланаётган қуйидаги автотранспортлар қўйилмоқда.

2001 йилда ишлаб чиқарилган, бирозовий рангли «Тико» автотранспорти дав.рақ.30176-18. Бошланғич баҳоси — 5000000 сўм.

2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Тико» автотранспорти дав.рақ.10У55-96. Бошланғич баҳоси — 5000000 сўм.

2003 йилда ишлаб чиқарилган, яшил рангли «Тико» автотранспорти дав.рақ.30N08-16. Бошланғич баҳоси — 6000000 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 1 июнь кунини соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 6 март-

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 406

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ИННОВАЦИОН АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ ЁРДАМИДА ГЎДАКЛАРИНИНГ ПАРВАРИШИГА ЁНДАШУВНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БОШЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Туреева мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб voyага етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда ёш авлоднинг таълим олиши ва касб оғаллашига, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор мақсадли

давлат дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ривожланиши, аввало, гўдаклигида унинг парваришига қаратилган зарур эътиборга боғлиқ. Чунки, бола организм ва ақлий салоҳияти айнан олти ёшгача бўлган даврда тез ривожланади. Бу эса унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам бу борада мамлакатимизда ва жаҳонда орттирилган тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ақлан ва жисмонан камол топтиришга оид янги самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат.

— Ўзбекистонда болаларнинг баркамол улғайиши учун барча шарт-шароит яратилган, — деди ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Ризо Хусайний. — Мамлакатда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўллади хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодга ғамхўрлик масаласига оммавий ахборот воситаларида, жамоат бирлашмалари ва маҳалла кенгашиларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсадимиз баркамол авлодни voyага етказиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

18 майгача давом этадиган анжуманда олти ёшгача бўлган болаларни ақлан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш усуллари, уларнинг улғайишига атраф муҳитнинг таъсири ва бунда оиланинг тутган ўрнига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШЛАР

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТДИ.

Анжуманда таъкидланганидек, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол авлодни камолга етказиш ва уларни жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокчига айлантириш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги таълим даргоҳларида бу борада кенг қўллади ишлар амалга оширилаётган.


Еттинчи бор ўтказилган фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрнига бағишланган анжуман ана шу йўналишда ҳаётга таъбиқ этилаётган лойиҳалар сирасига кирилади. Тадбир талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, истеъдодли, изланувчан ёшларни излаб топиш ва уларга ўз иқтидорини намойён этишида кўмаклашиш, илм-фан ривож ва техника тараққиётида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилаётган.

Анжуманда мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртиларида тахсил олаётган, фундаментал фанлар, рационализиаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш йўналишлари ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий изланиш олиб бораётган қарийб беш юз нафар иқтидорли талаба иштирок этди. Шунингдек, унда «Келажак овози — 2006» танловининг рационализиаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича голиблари ҳам қатнашди.

Уч кунлик анжуманда ёш тадқиқотчиларнинг электроника, автоматика, компьютер технологиялари, механика, машинасозлик, нефть-газ саноати, экология ва геология сингари долзарб йўналишлар бўйича олиб бораётган илмий изланишлари етакчи олимлар ва мутахассислар томонидан синхизлаб таҳлил этилди. Ёшларимизнинг турли жаҳдалар, хусусан, асримизнинг долзарб муаммоларидан бири — экологик мусофолликни таъминлаш, энергияни тежаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий изланишлари алоҳида эътироф этилди.

Тошкент Давлат техника университети энергетика факультети 2-курс талабаси Дилшода Рустамова — ана шундай истеъдодли ёшлардан бири. У шамолдан электр энергияси олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича самарали изланиш олиб бораётган. Ёш тадқиқотчининг бу борадаги илмий натижалари мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди. У танловнинг энергетика ва энергия тежамкорлиги йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибаси бўлди.

Анжуманда танловнинг барча йўналишлари бўйича голиб ва совриндорлар аниқланиб, муносиб тақдирланди.



Қизил Ярим Ой Жамияти фаолиятидан БЕМИННАТ ЁРДАМ КЎРСАТАМИЗ

Республикамиз Президенти Қизил Ярим Ой Жамиятининг фаолиятини кучайтириш борасида тинимсиз ғамхўрлик қилиб ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Олиб борилаётган ишлар қўламини ташкилотнинг Ҳамза тумани мисолида қўрадиган бўлсақ бунга ўзимиз ишонч ҳосил қиламиз.

Қизил Ярим Ой Жамияти Ҳамза туман кенгаши ҳам ўз фаолиятини бир неча йўналишда олиб бормоқда: аҳолининг энг заиф тоифасига, ёлғиз, кекса, ногиронларга, етим болаларга, табиий офатлардан зарар кўрганларга тиббий, ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, аҳолини фавқулодда ҳолларга тайёрлаш, уларга биринчи ёрдам бериш кўникмаларини ўргатиш, аҳоли ўртасида ҚЯОЖ гоиларини тарғиб қилиш, ёшлар билан ишлаш, яъни ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш шулар жумласидандир.

—Ҳамза туман кенгаши 52 та бошланғич ташкилот ва ўндаги жамият кўнгилли аъзоларини бирлаштирган, — дейди биз билан суҳбатда кенгаш раиси Санобар Актабаева. — Туман бўйича 220 та ёлғиз қария ва ногиронлар тиббий, ижтимоий ёрдамга муҳтож. Шунинг учун ҳам улардан 62 тасини туман кенгаши 3 нафар «Меҳр-шафқат» ҳамширалари ёрдамида ўз тасарруфига олган. «Меҳр-шафқат» ҳамширалари ёлғиз қолган қария ва ногиронларга доимий равишда тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиб, ёлғизликларини билдирмасдан кўнгилларини кўтариб келишмоқда. Аънавий ёшларимизда уларнинг ўйларига бориб тозалик қилари ўтказилиб, совгалар ва дори-дармонлар топширилмоқда. Қизил Ярим Ой Жамияти Ҳамза туман кенгаши қошида очилган «Меҳр-шафқат» хизмати хонасида ҳам айтишга арзиғулик ишлар қилиниб, ҳамширалар доимий равишда аҳолига ўз ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар. Фақат шу

йили биринчи ёрдам сўраб мурожаат қилган аҳолига бепул 297,0 сўмлик дори-дармон ажратилди. Бундан ташқари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини ҳамшираларимиз қорхона ва ташкилотларда ишчи ходимларни кўриқдан ўтказиб, уларни ҳам бепул дори-дармон билан таъминлаб, соғломлаштириш юзасидан ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борадилар. Шу кунга қадар «Меҳр-шафқат» ҳамширалари номига 21 та қорхона раҳбарларидан ташаккурнома хатлари тўшган.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ўзининг бугун тарихи давомида ёшлар билан ишлашга алоҳида аҳамият бериб келади. Жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳам ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашдир. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқувчилар ўртасида санитария, гигиена ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини ўргатиш, санпост, меҳрибонлик гуруҳлари тайёрлашнинг ишчи охири шунлар жумласидандир. Бугун тумандаги 30 та мактабнинг ҳаммасида ҚЯОЖ бошланғич ташкилотлари тузилган ва улар ўз йўналишлари бўйича иш олиб боришмоқда.

Қизил Ярим Ой Жамиятининг ана бир асосий йўналишларидан бири бу фавқулодда ҳолатларда тайёр туриш, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатишдир. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимининг «Халқ ҳўжалеги» объектида санитар дўхоналари ва санитар постларини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун туман ҳудудида жойлашган халқ ҳўжалеги объекти, бирлашма, бошқарма, ҳиссадорлик жамиятлари ва ташкилотларда ҳар бир сменда биттадан санитар постлари, 350 дан ортиқ ишчиси бўлган ташкилотларда биттадан ва ўндан ортиқ санитар дўхоналари

тузилди.

Мальумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ҳақида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 480-сонли қарорларига биноан ҳар йили декабрь-январ ойларида ҚЯОЖ ҳисобига маблағ йиғиш умумийлиги акцияси ўтказилади. Шу тадбирлардан тушган хайр-эҳсон қилинган маблағларнинг барчаси тасарруфимиздаги меҳрга муҳтож, ёлғиз қолган кекса, беморларга, етим болаларга, уйи ёниб кетган ва жуда муҳтож бўлган оила-ларга сарф қилинади. Фурсатдан фойдаланиб ана шу хайрия тўплаш «ойлигида» фаол қатнашган ва бизга яқиндан ёрдам бериб келаётган туман ҳокимлиги, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман халқ таълими бўлими, Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт санитария қисми, «Тошкентёғмо» комбинати» АЖ кўшма қорхонаси, «Альтромарг» кўшма қорхонаси, Авиасозлар коллежи, темир йўл ва куришлик коллежлари раҳбариятига ва маҳалла оқсоқолларига ўз миннатдорчилигини билдириб қоламиз.

Мана 2007 — Ижтимоий ҳўмоа йили ҳам ўтиб борапти. Биз ўшбу йилда ишимизни яна бир бора сарҳисоб қилиб, янги-янги режа ва мақсад сари қадам ташлаб кўмағимиз ва беминнат ёрдамиимиздан меҳрга, муҳаббатга, кўмакка муҳтожларни баҳраманд этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳа, инсон кўнглини обод этишдан ҳам улуғ, савобли юмуш йўқ бу оламда. Биз хайру саховат ва муруват соҳибаларига бу йўлда матонат ва сабр-бардод тилаймиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Қизил Ярим Ой Жамиятининг Ҳамза туман бўлими кенгаши фаолиятидан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ҳўжалик Судининг 2007 йил 07 майдаги ажримларига асосан қуйидаги қорхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан қузатув жараёни бошланди.

Table with 7 columns: №, Корхона номи, Мақо ми, Рўйхатта олинган ҳарор санаси ва рақамин, ОКПО, Ҳўжалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқаруви, Банкротлик иши ҳўбисаги кўнада ва соғтада

Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 17 майда соат 10-00да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 602-хона.

Банкротлик иши 2007 йил 18 майда Тошкент шаҳар Ҳўжалик Суди биносининг 2-қаватида 3-сонли суд мажлиси залида (судья С.М.Ҳудайбердиев томонидан қўрилади).

Мунажжим башорати "БУҒДОЙ ҒАРАМЛАРИ УЮЛГАН ДАЛАЛАР"

17 МАЙ, ЧОРШАНБА Мунажжимлар бугунги кун рамзини юқоридагидай «буғдой ғарамлари уюлган далалар» деб аташган. Бунинг маъносини улар, ўз қўлларининг билан мўмай даромад қилиб олиш ёки катта давлатга эришишга ишора, дея таъбир қилишган.

Кеча бориб Меркурий Эгизаклар буржининг «буғгунчи» 13-даражасида бўлиши билан боғлиқ равишда фитнес ва алдовлар сафарлар, учрашувлар ва музокараларга зарар келтириши мумкинлигини оғоҳлантиради. Бугун сирдан ҳамма нарса осойишталикка қазираётгандай тўюлса-да, матонат билан зўр бериб меҳнат қилишга тўғри келади.

Ой таквимининг бугунги 2-кунини жисмоний тарбия машғулотлари ҳамда бошқа йирик ўқув туркумларига қўшилиш учун хайрли ҳисобланади. Шамолдан деразанинг очилиб кетиши ёки синиб қолиши ҳаётингизда ўз берадиган машаққатли ўзгартишларга ишора бўлади.

10 фоиз миқдорда зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Аль-янс» минибанкида, МФО 00417, СТИР 204325775, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94. Хизматлар лицензияланган (лицензия DB001-000010).

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси боисоҳноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13:47